

Х У К М ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН

2024 йил июнь ойининг 7 куни Тошкент шаҳар жиноят ишлари бўйича Учтепа туман суди, суд биносида, очиқ суд мажлисида, қуйидаги таркибда:

Раислик қилувчи, судья Х.Содиқов,

судья ёрдамчиси К.Асраровнинг котиблигида, тарафлардан – давлат айбловчиси Тошкент шаҳар Учтепа туман прокурорининг катта ёрдамчиси Б.Ақромов, судланувчи З.Нурматов ва унинг ҳуқуқларини ҳимоя қилаётган адвокат О.Муродов, жабрланувчи О.Абдуллаев иштирокида, Нурматов Зиядулла Норматовичга нисбатан 1-1007-2406/265-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра:

Нурматов Зиядулла Норматович (Nurmatov Ziyadulla Normatovich), 1982 йил 31 март куни Қашқадарё вилоятида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, ажрашган, муқаддам судланмаган, Қашқадарё вилояти Китоб тумани Макрид МФЙ Тожик қишлоғи рақамсиз уйда истиқомат қилувчи, иш бўйича “шахсий кафилик” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов ҳулосаси нусхасини 2024 йил 20 май куни ўз вақтида олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 2-қисми “а,б” бандлари билан айбланган.

Суд, судланувчи ва жабрланувчини кўрсатмаларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ҳамда ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

З.Нурматов 2024 йил 7 март куни соат 19:45 ларда маст ҳолатда ўғирлик йўли билан ўзганинг анча миқдордаги мулкани яширин равишда қўлга киритиш мақсадида, Учтепа тумани, 11-мавзе ҳудудида бўла туриб, шу ерда бўлган О.Абдуллаевнинг маст ҳолатда эканлигидан фойдаланиб, унинг эғнидаги куртқасини ташқи ўнг чўнтагида бўлган жами қиймати 5.500 АҚШ долларига (68.809.730 сўм) тенг тилла буюмларини яширин равишда талон-торож қилиб, воқеа жойидан яширинган.

Судда судланувчи З.Нурматов айбига тўлиқ иқроп бўлиб, у 2024 йил 7 март куни О.Абдуллаев билан бирга спиртли ичимлик истеъмол қилиш мумкин бўлган жойда спиртли ичимлик истеъмол қилганлигини, сўнг соат 19:45 ларда Учтепа тумани, 11-мавзе ҳудудида бўлганида О.Абдуллаевнинг маст ҳолатда эканлигидан фойдаланиб, унинг эғнидаги куртқасини чўнтагидан тилла буюмларини унга билдирмасдан олиб қўйганлигини,



ҳозирда тилла буюмларни О.Абдуллаевга қайтариб берилганлиги ва зарар қопланганлигини, қилган ишидан пушаймонлигини, унга нисбатан энгилик сўраб кўрсатма берди.

Судланувчи З.Нурматов унга нисбатан эълон қилинган айбловга тўлиқ иқрорлик билдириб кўрсатма бериб ўтса-да, уни мазкур жиноятни содир этганликдаги айби суд мажлисида сўроқ қилинган жабрланувчи ва гувоҳнинг қуйидаги кўрсатмалари билан ўз тасдиғини топади.

Судда жабрланувчи О.Абдуллаев, у 2024 йил 7 март куни З.Нурматов билан бирга спиртли ичимлик истеъмол қилганлигини, сўнг соат 19:45 ларда Учтепа тумани 11-мавзе ҳудудида бўлганида З.Нурматов уни маст ҳолатда эканлигидан фойдаланиб, унинг эғнидаги куртқасини чўнтагидан тилла буюмларни ўғирлаб олиб қўйганлигини кейин билганлигини, ҳозирда тилла буюмлар унга тўлиқлигича қайтариб берилганлигини, моддий зарар тўлиқ қопланганлигини, уни судланувчи З.Нурматовга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқ эканлигини айтиб кўрсатма берди.

Суд, ушбу жиноят иши юзасидан тўпланган иш ҳужжатларини текшириб чиқиб, юқорида қайд этилган судланувчи ва жабрланувчининг кўрсатмаларига Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 95, 112-моддалари талаблари бўйича баҳо бериб, суд мажлисида аниқланган ҳолатларни ҳамда тергов материалларини Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 22-моддаси талаблари асосида синчковлик билан, тўла, ҳар томонлама ва ҳолисона текшириб чиқиб, судланувчи З.Нурматовнинг мазкур жиноятни содир этганликдаги айби қуйидаги рад этиб бўлмайдиган далиллар билан, яъни ариза, нарсани олиш ва кўздан кечириш баённомаси, тушунтириш хатлари, сўроқ баённомалари ва жиноят ишидаги бошқа объектив далиллар билан ўз исботини тўлиқ топади деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи З.Нурматовнинг жиноий ҳаракатларини юридик квалификациясини муҳокама қилиб, дастлабки тергов органи томонидан унинг жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 2-қисми “а,б” бандлари билан ўғирлик, яъни ўзганинг мол-мулкани яширин равишда жабрланувчининг кийимидан анча миқдорда талон-торож қилишда ифодаланган аломатлари билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2014 йил 23 майдаги “Суд ҳукми тўғрисида”ги 7-сонли қарорининг 28-бандида, судлар жазо тайинлашда, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини ва хусусиятини, содир этилган қилмишнинг сабабларини, келтирилган зарарнинг миқдори ва хусусияти, айбдорнинг шахси, унинг жавобгарлигини энгилаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олишлари кераклиги ҳақида, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги қарорининг 1,3-бандларида “Судларнинг эътибори жиноят учун жазо чорасини тайинлашда қонунийлик,



инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги тамойилларига қатъий амал қилишга қаратилиши, жазо адолатли бўлиши – ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги” ҳақида тушунтиришлар берилган.

Суд, судланувчи З.Нурматовга нисбатан жазо тури ва муддатини белгилашда, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 55-моддаси талабларига риоя қилиб, З.Нурматовнинг ўз айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, қилмишидан пушаймонлигини, зарар қопланганлиги ва жабрланувчининг даъвоси йўқ эканлигини, муқаддам судланмаганлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб баҳолаб, ЖКнинг 56-моддаси талабларига риоя қилиб, мазкур жиноятни ғаразли ва бошқа паст ниятларда маст ҳолатда содир этганини жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар деб баҳолаб, жиноятнинг хусусияти, ижтимоий хавфлилик даражасини инобатга олиб, унга нисбатан озодликни чеклаш жазоси тайинлашни лозим деб топади.

Суд, иш бўйича зарар масаласини муҳокама қилиб, жабрланувчи О.Абдуллаев етказилган моддий зарар бўйича даъвоси йўқ эканлигини инобатга олишни лозим деб ҳисоблайди.

Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454–457, 460, 463, 465–468, 471–473-моддаларига амал қилиб, суд

Ҳ У К М Қ И Л А Д И:

Нурматов Зиядулла Норматович (Nurmatov Ziyadulla Normatovich), Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 2-қисми “а,б” бандларида назарда тутилган жиноятни содир қилганликда айбли деб топилсин.

Нурматов Зиядулла Норматовичга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 2-қисми “а,б” бандлари билан 3 (уч) йил озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

З.Нурматовнинг зиммасига:

- алкоғолли ичимлик истеъмол қиладиган ва кўнгилочар жойлар (кафе, бар, ресторан, тунги клуб, таваккалчиликка асосланган бошқа ўйингоҳлар)га бормаслик;

- оммавий тадбирлар (байрам сайллари, намойишлар, митинглар)да иштирок этмаслик;

- алоқа воситалари, яъни интернетдан фойдаланмаслик;

- ҳар ойда бир марта Қашқадарё вилояти Китоб туман ИИО ФМБ Пробация бўлиmidан рўйхатдан ўтиб туриш, Қашқадарё вилояти Китоб туман ИИО ФМБ Пробация бўлими розилигисиз яшаш, иш жойини ўзгартирмаслик каби қўшимча чеклашлар юклансин.

Жазо З.Нурматовнинг манзили Қашқадарё вилояти Китоб тумани Макрид МФЙ Тожиқ қишлоғи яшаш уйида соат 21:00дан кейинги куннинг соат 07:00га қадар ўтаттирилсин.



Озодликни чеклаш жазосининг ўташ муддати суд ҳукми Қашқадарё вилояти Китоб туман ИИО ФМБ Пробация бўлимида ҳисобга қўйилган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Ҳукми ижро қилиш Қашқадарё вилояти Китоб туман ИИО ФМБ Пробация бўлими зиммасига юклатилсин.

З.Нурматовга озодликни чеклаш жазосини ўташ даврида, жазо ўташ тартибини бузган тақдирда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 48¹-моддасида кўрсатилган оқибатлар юзага келиши мумкинлиги тушунтирилсин.

З.Нурматовга нисбатан қўлланилган “шахсий кафиллик” эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргач бекор қилинсин.

Жабрланувчи О.Абдуллаевга етказилган зарар тўлиқ қопланганлиги инобатга олинсин.

Ҳукмдан норози тараф ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб, судланувчи эса ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб ўн сутка ичида Тошкент шаҳар суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг апелляция инстанциясига шикоят бериши ёки прокурор томонидан протест билдирилиши, ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг эса шу тартибда кассация инстанциясига шикоят бериши ёки прокурор томонидан протест билдирилиши мумкин.

Раислик қилувчи

Х.Содиқов

